

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**391** **Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш тартибини такомиллаштириш тўғрисида**

Тадбиркорлик субъектларини норуда фойдали қазилмалар конларини ўзлаштиришга янада жалб этиш жараёнларини мақбуллаштириш, узоқ ҳудудларда янги иш жойларини яратган ҳолда, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этишни жадаллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2011 йил 2 майдаги ПҚ–1524-сонли қарори билан ташкил этилган Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг янгиланган Комиссияси таркиби 1-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2011 йил 2 майдаги ПҚ–1524-сонли қарорига 2-иловага\* мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

3. Вазирлик ва идоралар бир ой муддатда улар томонидан қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирадилар.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ.И. Ибрагимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 24 май,  
ПҚ–3002-сон

---

\* 1-2-иловалар рус тилидаги матнда берилган.